



СУВ РЕСУРСЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Сайидов Малик Темирович

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти “Дарё,
канал ва иншоотлар гидравликаси” лабораторияси мудири, PhD.,

Жовлиев Ў.Т.

PhD.,

З.Б. Довлатов

М.Б. Аvezова

Б. Мустафаев

Ж. Ўзбеков.

Тадқиқотчилар

ARTICLE INFO

Received: 24th December 2023

Accepted: 30th December 2023

Online: 31th December 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Хитойда сув ресурсларини режалаштириш тизимини тайёрлаш, тасдиқлаш ва жорий этиш тажрибаси ўрганилган.

Сув бу – ҳаводан кейинги тириклик манбаи ва ҳаёт рамзи ҳисобланади. Аграр ердан бошқа сайёраларда сув мавжуд бўлса, демак у ерда ҳаёт, яшаш шароити мавжуд деб қаралади. Шу боис сув билан боғлиқ бўлган ҳар бир ишлар муҳим, устувор вазифа сифатида қаралади.

Дунёнинг барча давлатларида дарё, канал, сув омборлари ва қўллари ва бошқа ҳар қандай сув объектларини бошқариш, уларни сақлаш ва самарали эксплуатация қилиш, инсоният эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш барча жамиятларнинг ажралмас, муштарак вазифалари ҳисобланади. Шу сабабли, сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ҳар бир давлат ўзининг географик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шароитларидан келиб чиқиб, турли даврлар учун қисқа, ўрта ва узоқ муддатли (маълум йиллар бўйича) ҳамда ҳудудий, объектив ривожланиш режалари, прогноз кўрсаткич ва вазифаларини ишлаб чиқиб, уни босқичма-босқич амалга ошириб боради.

Республикамызда ҳам бу соҳада бир қатор муҳим қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6024-сонли Фармонини келтиришимиз мумкин. Мазкур Фармон билан республикамыз сув хўжалигини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли устувор вазифа, индикатор кўрсаткичлари белгилан. Шунингдек, ушбу фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори қабул қилинган. Мазкур қарор билан юқорида келтирилган Фармоннинг қисқа муддатларда, унда белгиланган устувор индикатор кўрсаткичларининг ижроси амалга оширилган.



Жаҳоннинг бошқа ривожланган давлатларида ҳам шундай устувор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, унга асосан белгиланган ишлар олиб борилади. Мазкур ёндашувлар амалиётда ўзининг юқори аҳамияти, ишларнинг ўзаро узвий тизимли амалга оширилишини таъминлайди, ва соҳада ижобий натижаларга эришишга замин яратади. Бундай ёндашувларни доимий олиб бориш, натижаларни таҳлил қилиш ва асосий кўзланган мақсадга эришишга имкон яратади. Бунда устувор вазифалар тегишли қатор вазирлик ва идоралар томонидан ҳамкорликда амалга оширилади.

Қуйида биз, Хитой Ҳалқ Республикасининг сув ресурсларини режалаштириш тизими ҳақида фикр юритамиз. Хитойда мазкур вазифалар 4 та асосий босқичда амалга оширилади [1]:

1. Сув ресурсларини режалаштириш тизимининг таркиби;
2. Сув ресурсларини режалаштириш тизимини тайёрлаш;
3. Сув ресурсларини режалаштириш тизимини тасдиқлаш;
4. Сув ресурсларини режалаштириш тизимини жорий этишдан иборат ҳисобланади.

Сув ресурсларини режалаштириш тизимининг мазмуни.

Сув ресурсларини режалаштириш – бу сув ва қурғоқчилик офатларининг олдини олиш ва назорат қилиш, сув ва тупроқ ресурсларини оқилона бошқариш, ривожлантириш ва улардан фойдаланиш учун ишлаб чиқилган кенг қамровли келишувлар (булар қонун, фармон, қарор, шартлар ва тартибларни ўз ичига олиши мумкин) ҳисобланади.

Бу иқтисодиёт, жамият, экология, атроф-муҳит ва бошқа кўплаб соҳаларини ўз ичига олган мураккаб муҳандислик тизимидир. Одатда бунда кузатиладиган хусусиятлар қуйидаги шартларда амалга оширилади.

1. Сув ресурсларини режалаштириш тизимининг ҳар томонлама ишлашини таъминлашда фақат индивидуал режалаштириш ҳаракатлари билан амалга ошириш мумкин эмас. Бу барча режалаштирувчилар ўртасида яхлит мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни талаб қилади.
2. Сув ресурсларини режалаштириш тизимини алоҳида объект сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас, балки жамият ва иқтисодий ривожланишнинг турли жиҳатларига таъсир кўрсатадиган ва таъсир қиладиган очиқ тизим сифатида шаффоф қабул қилинади. Тизим бир қанча соҳаларни, жумладан жамият, иқтисодиёт ва атроф-муҳитни ўз ичига олади.
3. Сув ресурсларини режалаштириш тизимида ҳар хил режаларнинг ҳолати ва роли турли макон, вақт ва ривожланиш босқичларида ҳар хил бўлиб, роли ҳам мувозанатсиз, ўзгариб боради.
4. Сув ресурсларини режалаштириш тизими турли талабларга жавоб бериши керак, жумладан иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, келгусида дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ечимига қаратилади. Шунинг учун унинг ўзгарувчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун уни мунтазам равишда янгилаб туриш ва ўз вақтида мақбул ўзгаришлар киритилиб борилади.

1. Хитойда сув ресурсларини режалаштириш тизимининг таркиби.

Сув ресурсларини режалаштириш Хитой Ҳалқ Республикасининг Сув қонуни асосида шакллантирилади ва миллий, ҳавзавий ва минтақавий даражада ишлайди.



Унинг асосий тузилмаси кенг ва ихтисослаштирилган режалаштиришга асосланган бўлиб, бир-бирини тўлдирувчи функцияларни самарали мувофиқлаштирадиган ва изчил боғлиқлигини таъминлайдиган аниқ белгиланган тизимни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб ҳисобланади.

Сув ресурсларини режалаштириш тизими асослари ва сув ресурсларини режалаштиришнинг ҳақиқий иши билан бирлаштирилган ҳолда, сув ресурсларини режалаштириш иерархик ва таснифланган бошқарув эҳтиёжларига кўра миллий режалаштириш, ҳавзавий режалаштириш ва минтақавий режалаштиришга бўлинади.

- **Миллий режалаштириш** – стратегик режалаштириш, ривожланишни режалаштириш ва мақсадли режалаштиришни ўз ичига олади;
- **Ҳавзавий режалаштириш** – комплекс режалаштириш, профессионал режалаштириш ва махсус режалаштиришни ўз ичига олади;
- **Минтақавий режалаштириш** – ривожланишни режалаштириш, комплекс режалаштириш, профессионал режалаштириш ва махсус режалаштиришни ўз ичига олади.

Хитой сув ресурсларининг таркибини режалаштириш тизими

Стратегик режалаштириш - бу сув тошқинларининг олдини олиш ва оқибатларини юмшатиш соҳасидаги асосий муаммоларга самарали жавоб бериш учун миллий иқтисодиёт ва жамиятнинг умумий стратегик режасига мувофиқ миллий даражада стратегик мақсадларни, умумий жойлаштириш ва қарши чораларни ўрганиш ва шакллантиришни англатади. Маълум вақт ичида сув ресурсларидан фойдаланиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва миллий сув тошқини олдини олиш, сув таъминоти, озик-овқат хавфсизлиги ва экологик хавфсизликни кафолатлашдан иборат.

Стратегик режалаштириш – одатда 20-30 йил ёки ундан кўпроқ вақтни ташкил этади ва одатда ҳар 10-15 йилда қайта кўриб чиқилади ёки қайта ишлаб чиқилади.

Ривожланишни режалаштириш – миллий ва минтақавий даражада тақсимланадиган умумий кун тартибини белгилаш билан боғлиқ. Бундай саъй-ҳаракатлар миллий иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг комплекс режасида белгиланган шарт-шароитлар асосида амалга оширилади. Ушбу ҳозирги шароитдаги кун тартиби сув ресурсларини ривожлантириш ва ислохотни бошқариш бўйича ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқилган мақсадлар ва босқичларни ўз ичига олади. Хусусан, булар сув соҳасини ривожлантириш ва ислохотларни бошқариш вазифалари, йирик қурилиш лойиҳаларини режалаштириш техникаси, амалга ошириш режалари ва хавфсизлик чораларини ўз ичига олади.

Ривожланиш режалари – одатда 5 йилдан 10 йилгача бўлган режалаштириш даврига эга ва ҳар 5 йилда тайёрланади.

Сув тошқинларига қарши кураш, қурғоқчиликка чидамлик ва офатларни камайтириш, сув ресурсларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, сақлаш ва муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигида сувни тежаш, сув сиёсати ва қоидалари, сувни муҳофаза қилишда қурилишини бошқариш, гидроэнергетика, гидрология ва сув ахбороти, сув фани ва технология ва миллий ҳамкорлик, сув соҳаси тажрибасини ривожлантириш ва бошқаларни ривожланиш режасига киритилади.



Комплекс режалаштириш – сув ресурсларини ривожлантириш, улардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш, сақлаш ва бошқариш, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт кўрсаткичлари ҳамда сув ресурсларининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда сув билан боғлиқ офатларнинг олдини олиш ва назорат қилишни комплекс амалга ошириш билан боғлиқ. Сув ресурсларини минтақавий ва ҳавзавий даражада кенгайтириш ва улардан фойдаланишни назарда тутати.

Комплекс режалаштириш – одатда 15 дан 20 йилгача бўлган режалаштириш даврига эга ва ҳар 10 йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Профessional режалаштириш – сув тошқинларини назорат қилиш, дренаж тармоқларини бошқариш, қурғоқчиликка чидамлилиқ, суғориш, гидроэнергетика, сув ресурсларини сақлаш, тупроқ ва сувни асраш, шунингдек сувни тежаш каби сув билан боғлиқ турли соҳаларни ҳавза ва минтақавий даражада комплекс режалаштиришга тегишли ҳисобланади. Профessional режалаштириш – одатда 15 дан 20 йилгача бўлган режалаштириш даврига эга ва ҳар 10 йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

2. Хитойнинг сув ресурсларини режалаштириш тизимини тайёрлаш.

Сув соҳаси маъмурияти миллий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, сув ва қурғоқчилик офатларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқаришни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича миллий ва маҳаллий ишлаб чиқариш талабларидан келиб чиққан ҳолда маълум муддатга сув ресурсларини режалаштириш режасини ишлаб чиқади. Сув ресурсларини режалаштириш тизимига мувофиқ сув ресурслари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилинади.

Режалаштириш ва тайёргарлик режаси тегишли қонунлар ва қоидаларга мувофиқ, ҳуқуқий меъёрлар билан қўллаб-қувватланадиган, аниқ белгиланган режалаштириш жадвалларига эга бўлган, мустақил ёки ҳамкорликда ишлайдиган қобилиятли тайёргарлик бўлинмаларига эга бўлган, ўзаро боғлиқ бўлган ва тасдиқлаш ваколатига эга бўлган лойиҳаларни ўз ичига олади.

Давлат кенгаши ҳузуридаги сув хўжалигининг ваколатли бўлими миллий даражадаги стратегик режалар, ривожланиш режалари ва махсус режаларни тайёрлашни ташкил этиш учун жавобгар ҳисобланади. Давлат кенгашининг тегишли бўлимлари ва тегишли провинциялари, автоном вилоятлари ва тўғридан-тўғри марказий ҳукуматга қарашли мунитсипалитетларнинг халқ ҳукуматлари билан биргаликда давлат томонидан белгиланадиган муҳим объектлар дарёлар ва кўллар ҳавзалари учун комплекс режалар ва касбий режаларни тайёрлашни ташкил қилади. халқаро дарёлар (шу жумладан, чегара дарёлари ва кўллар) режалари сифатида.

Ҳавзани бошқариш ташкилоти провинциялар, автоном вилоятлар ва мунитсипалитетларнинг сув маъмурияти бўлимлари ва тегишли бўлимлари билан биргаликда ҳавзани бошқариш соҳасидаги комплекс режалар, тегишли касбий режалар, махсус режалар ва минтақавий комплексларни тузишни ташкил этиш учун жавобгар ҳисобланади. Провинциялар, автоном вилоятлар ва мунитсипалитетлар бўйича дарёлар ва кўллар учун режалар тузилади.



Сув ҳўжалигини режалаштириш учун масъул бўлинма очиқлик, адолатлилик ва холислик тамойилларига мувофиқ фойдаланишга топшириш, тендер савдолари ва бошқа усуллар билан белгиланиши мумкин.

Хитойда, Стратегик режалаштириш одатда 1-2 йил, ривожланишни режалаштириш одатда тахминан 2 йил, кенг қамровли режалаштириш одатда 2-3 йил ва профессионал ва махсус режалаштириш одатда 1-2 йилни ўз ичига олади.

3. Хитойнинг сув ресурсларини режалаштириш тизимини тасдиқлаш

Сув ресурсларини бошқариш бўйича масъул бўлим сув ресурсларини режалаштиришни тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатлари, қоидалар ва тартибларига мувофиқ ҳар йили сув ресурсларини бошқариш бўйича тасдиқлаш режасини ишлаб чиқади. Тасдиқлаш режасига киритилмаган режалаштириш одатда тасдиқлаш учун аризалар учун қабул қилинмайди.

Сув ресурсларини режалаштиришни тасдиқлаш илмий, ҳуқуқий ва демократик тамойилларга амал қилиши ҳамда қонуний, самарали, мувофиқлаштирилган ва стандартлаштирилган иш тартибига риоя қилинади.

Сув ҳўжалиги бошқармаси сув ресурсларини режалаштириш натижаларини кўриб чиқиш учун мутахассислар гуруҳини ташкил қилиши ёки тегишли малакага эга бўлган техник маслаҳатчи ташкилотни тайинлаши ва режалаштириш, режалаштириш асослари, умумий ғоялар, режалаштириш мақсадлари, режалаштириш схемалари зарурлиги тўғрисида кўриб чиқиш хулосаларини киритади. Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш, реал вақт режимида тартибга солиш, амалга ошириш эффектлари ва бошқалар. Тасдиқланмаган режалар кейинги тасдиқлаш жараёнига кира олмайди.

Давлат кенгаши ёки давлат кенгаши ваколатли сув бошқаруви бошқармаси томонидан тасдиқланган сув ресурсларини режалаштириш Давлат кенгашининг сув бошқаруви бўлими томонидан кўриб чиқилади.

Сув ҳўжалигини режалаштириш натижалари кўриб чиқилгандан сўнг, бошқа саноат тармоқлари ва тегишли жойлар билан боғлиқ режалаштириш бир хил даражадаги ҳукуматнинг тегишли бўлинмаларига ва маҳаллий халқ ҳокимиятига фикр сўраш учун тақдим этилади.

Қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва сувни муҳофаза қилишни режалаштириш ошкор қилинган кейин бир ой ичида тасдиқланади.

Тасдиқланганидан кейин режа қатъий бажарилиши керак. Сув ресурсларини ривожлантириш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, сув фаолияти билан боғлиқ сув билан боғлиқ хавфларнинг олдини олиш ратификатсия қилинган сув ресурсларини режалаштиришга мувофиқ бажарилади.

Ҳукуматнинг турли даражалари ташкилотлари сув тежашни режалаштиришнинг асосий оператив ижрочиси бўлиб хизмат қилади ва бундай режаларни амалга оширишда ўзларининг ташкилий етакчилигини кучайтиришлари лозим ҳисобланади. Бунга кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни тезкорлик билан тарқатиш, масъулиятни белгилаш ва режада кўрсатилган барча лойиҳа мақсадлари муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш киради.

4. Хитойнинг сув ресурсларини режалаштиришни амалга ошириш, жорий этиш.



Сув лойиҳалари кенг қамровли ҳавзани режалаштириш ва сув тошқини назоратини режалаштиришга мос келиши керак. Сув муҳандислиги қурилиши лойиҳалари режалаштириш розилиги тизимини қатъий амалга ошириши керак.

Барча даражадаги сув хўжалиги ташкилотлари сувни тежашни режалаштиришнинг амалга оширилиши устидан назорат ва текширувни кучайтиради. Сув тошқинларининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, сув ресурсларини тақсимлаш, умумий сувдан фойдаланишни назорат қилиш, дарёларни бошқариш, иншоотларни назоратга олиш, дарёга бошқа чиқинди сув ва оқизишларнинг умумий миқдорини аниқлаш билан боғлиқ сувни тежашни режалаштиришга мувофиқ олиб борилади. Дарёнинг энг кам экологик сув талаби ва бошқа назорат кўрсаткичлари бўйича назорат хулосаларини ўрнатиш, сув билан боғлиқ барча тегишли хатти-ҳаракатларни қатъий тартибга солинади.

Барча даражадаги сув маъмурияти бўлимлари режалаштиришни амалга ошириш учун баҳолаш тизимини яратиши ва такомиллаштириши, сувни тежашни режалаштиришнинг амалга оширилишини ўрта муддатли баҳолаш ва кейинги баҳолашни ўз вақтида ташкил этиши, режалаштиришни амалга оширишдаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаши, режалаштиришга тузатишлар киритиш ёки қайта кўриб чиқиш бўйича фикрларни таклиф қиладилар, ва режалаштиришнинг амалга ошириш самарасини яхшилайдилар.

References:

1. М.Сайидов, "Seminar on Comprehensive Supervision of Inland River for Developing Countries", 4.06-14.07.2023 й. Чанша., ХХР.
2. Интернет маълумоти.